# ИЖОДКОРНИНГ ГРАЖДАНЛИК БУРЧИ

## *Тинчлик ва тараққиёт ишига садоқат*



Конференция қатнашчилари: Ўзбекистон боғларининг неъмати учун ташаккур!
С. Баранников фотоси.

## ҚИТЪАЛАРНИНГ ҚАЛБ СЎЗИ

**Вадим КОЖЕВНИКОВ,**
**СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони**



ПАРТИЯМИЗ Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов тарихий июнь (1983 йил) Пленумида шундай деган эди: «Америка Қўшма Штатлари империализми бошчилигидаги ўта реакцион кучларнинг агрессивлиги ҳаддан ташқари кучайди. Тараққиётни қандай қилиб бўлмасин тескари буриб юборишга уриниб кўрилмоқда. Бу сиёсат империалистларга муваффақият келтирмайди, албатта. Бироқ, авантюризм руҳидаги бу сиёсат инсоният учун жуда хатарлидир. Шу сабабли халқлар бу сиёсатга қудратли қаршилик қилмоқдалар, бу қаршилик ҳаракати шубҳасиз, кучайиб бораверади». Мен Тошкентга, унда ўтадиган бу йирик форумга ташриф буюрарканман, ана шу **қудратли қаршилик ҳаракати** ҳақида ўйладим. Ана шу одамлар сафида адабиётчилар, сўз санъаткорлари ҳам бор. Улар қаршилик кўрсатиш билан биргаликда қаршилик кўрсатаётганларнинг жасоратини, курашини, интилишларини, сабот-матонатини, орзу-идеалларини ранг-баранг асарларда ҳикоя қилмоқдалар. Мана шу ҳаётбахш фаолиятда икки қитъа ёзувчиларининг конференцияси муҳим роль ўйнаётганини бугунги кунда ҳаммамиз яхши биламиз ва қадрлаймиз.

Лекин тинчлик ва тараққиёт душманлари, империализм, биринчи навбатда Америка империализми ўзининг милитаристик режаларидан воз кечганича йўқ. Уларни изчиллик ва сабот билан фош қилиш керак. Фош қилганда ҳам, халқ ибораси билан айтганда, ғинг деёлмайдиган қилиб фош қилмоқ лозим. Бунинг учун қудратли восита — қалам ҳам, ёзувчининг дунёқараши, билим савияси, маҳорати ҳам бирдай жанговар, баркамол бўлмоғи лозим. Чунки, мағлубиятга маҳкум душманларимиз тобора устомонлик қилмоқда. Уларнинг найранглари ҳам, «сокин кўринишлари» ҳам хавфли. Душманлар тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашаётганларнинг кураши сал бўшашса борми, чапак чалишади. Шу боисдан улар ёзувчиларнинг асарларини, чиқишларини синчиклаб кузатиб борадилар. Хурсандмизки, ҳозирча душманлар қидирганларини топишолмаяпти, мақсадларига эришолмаяпти. Аксинча, «фаолиятлари» жараёнида кучли, қақшатқич зарбаларга учрамоқдалар. Бу зарбалар қанчалар нишонга тегса, қанчалар ўнгарилмайдиган қилиб урилса, шунчалар яхши. Агар Осиё ва Африка ёзувчиларининг, бутун дунё прогрессив адибларининг ҳаракати мана шундай самарали давом этса, ҳеч шубҳасиз, капитализм ва империализмнинг мағлубияти тобора тезлашади.

ОСИЁ ва Африка ёзувчиларининг биринчи конференцияси қандай ўтганлигини ва унинг тинчлик, озодлик, социал тараққиёт ва интернационал дўстлик равнақи йўлида ўйнаган тарихий ролини яхши биламиз. Бадиий маданият намояндалари ана шу биринчи учрашувнинг даъвати билан асарлар яратганликларини, давр билан ҳамнафаслик масъулиятини янада чуқурроқ ҳис қилганликларини, бугун учунмас, эртанги кун учун ҳам жавобгарлик ҳиссини қалбларида янада мустаҳкамроқ ҳис қилганликларини эътироф этмоқдалар. Шундай бўлиши табиий эди.

Икки қитъа форуми олға сурган ғояларни актив тарғиб қилаётганларнинг сафи йилдан-йилга кенгайиб борди. Бугунги кунда уларнинг сафида қаҳрамон Вьетнам ёзувчисини ҳам, Ангола ватанпарварини ҳам, яқингинада инқилоб нашидасини сурган афғонистонлик шоирни ҳам кўрамиз. Эфиопия, Жазоир, Танзания, Кампучия, Лаос, Мозамбик каби мамлакатларда ижод қилаётган ёзувчилар ҳам икки қитъа ҳаракатига актив қўшилишга интилмоқдалар. Бўлаётган учрашувларда, давра суҳбатларида шу нарса ёрқин кўзга ташланмоқдаки, яқинда озодликка эришган мамлакатларнинг ёзувчилари эзгуликни ўзлари учун мустаҳкам шиор деб билмоқдалар. Бу фикрни, мақсадни, қарорни табрикламоқ, унинг янада самарали бўла бориши учун ёрдамлашмоқ керак бўлади. Шунинг учун ҳам форумда иштирок этаётган машҳур совет ёзувчилари, жаҳон прогрессив адабиётининг атоқли намояндалари ўз тажрибалари билан ўртоқлашмоқдалар.

Еттинчи конференция, юқорида таъкидлаганимдек, халқаро аҳвол кескин тус олган бир пайтда ўтмоқда. Бу ерга, форумга ташриф буюрганларнинг аксарияти олтинчи конференциядан кейинги даврда рўй берган воқеалардан яхши хабардор. Зеро, уларнинг кўпчилиги тинчлик ва озодлик учун бўлган курашларнинг, жангу жадалларнинг қатнашчиларидир. Яна бир гуруҳ дўстларимиз эса, ўзларининг жонажон ватанлари озодлигини қўмсаб юрган ижодкорлардир. Уларнинг ҳозирга қадар қўлга киритган ютуқларини эътироф этмоқ, табрикламоқ, кўнгилларини кўтармоқ керак. «Тошкент руҳи»дан келиб чиқадиган бирдамлигимиз улар учун ҳаётбахш даъватдир.

СОВЕТ адабиёти тинчлик ва тараққиёт ишига хизмат қилишнинг ҳақиқий намунасидир. Мамлакатимиз халқларининг қардошлиги эса, ҳаётбахш бирдамликнинг бетакрор рамзи бўлиб эътироф этилган. Ана шундай муваффақиятлар жараёнида икки қитъа форумига мезбонлик қилиш тошкентликлар учун, ўзбекистонлик қардошларимиз учун ниҳоятда фахрли, шарафли воқеадир. Маълумки, Тошкент дўстлик ва қардошликнинг рамзи сифатида эндиликда бутун дунёга довруғ таратган. Олтмиш олтинчи йилги зилзиладан сўнгги буюк ўзгаришлар, улуғвор бирдамлик, қардошлик адабиётларимизга кўпдан кўп асарлар ҳадя этди. Бу қардошлик ҳозирги кунда ҳам ўзининг ҳаётбахш қудрати билан барчани ҳайратга солмоқда. Ана шундай шаҳарда ўтаётган навбатдаги конференция авалги анжуманлардаги ғояларни давом эттиради.

Конференция кун тартибида ўтказиладиган «Ёзувчи ва ҳозирги замон» мавзуидаги суҳбатдан кўп нарсалар кутилмоқда. Кейинги йилларда сўз санъаткорининг ҳозирги замон учун бўлган жавобгарлик ҳисси янада кучайди. Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун кураш мавзуида яратилаётган асарларнинг сифати, публицистик руҳи, даъвати янада қудратли тус олди. Форумда қатнашаётган ёзувчиларнинг кўпчилиги турли йилларда, турли мамлакатларда ўтказилаётган халқаро йиғинларнинг доимий қатнашчиларидир. Улар айни вақтда даъваткор шеърлари ва ҳикоялари билан ҳозирги замон адабиётида довруғ таратган адиблар ҳам ҳисобланади. Бу конференция биринчи навбатда олтинчи форум билан еттинчи форум оралиғида қилинган ишларга якун ясайди. Ана шу даврда эълон қилинган асарларнинг даъваткор руҳи билан такрор танишиб чиқади. Бу соҳада қанчалик муваффақиятга эришилган бўлмасин, унинг янада салмоқли ва сифатли бўлиши учун нималар қилиш кераклиги тўғрисида фикрлашиб олинади. Америка империализми «раҳнамолиги»да ҳар замонда турли бурчаклардан эшитилаётган иғвогарлик овозларини ўз вақтида ўчириб қўйиш ҳақида суҳбатлашиб олиш ҳам ёзувчиларнинг планларида бор.

Тошкент руҳи билан ишлаётган, ижод қилаётган ёзувчилар сўнгги йилларда тинчлик, озодлик, социал тараққиёт ва интернационал дўстлик учун курашда катта зафарларни қўлга киритган экан, бу биринчи навбатда икки қитъа форумида иштирок этиб келаётган сўз санъаткорларининг активлиги туфайли ҳамдир. Ишончимиз комилки, еттинчи конференция ана шу актив фаолиятни янада кучайтиришга хизмат қилади.

## ҚУДРАТЛИ БИРДАМЛИК

**Комил ЯШИН,**
**Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони**



БУНДАН ЙИГИРМА БЕШ ЙИЛ муқаддам гўзал Тошкентда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг биринчи халқаро конференцияси очилган ва шу тариқа инсоният тарихида биринчи марта икки буюк қитъа бадиий сўз усталари уюшмаси — Осиё ва Африка ёзувчилари Ассоциацияси юзага келганди. Бугунги кунда ана шу уюшманинг VII халқаро конференцияси ўтмоқда ва биринчи конференциянинг, бинобарин, уюшманинг чорак асрлик юбилейи нишонланмоқда.

Чорак аср... бу давр инсоният ҳаётининг ўзгаришларга, тарихий воқеаларга бой даври бўлди. Ана шу йилларда Африканинг қатор эркка ташна халқлари мустамлакачилик зулмига қарши бош кўтарди ва ўз мустақиллигини қўлга киритишди. Бу мамлакатлардаги навқирон адабиёт улғайди, камол топди. Шунинг баробарида ёш истеъдодлар етишиб чиқди, сафимизни бойитди. Улар устозларидан олган таълимига амал қилиб, инсоният келажаги учун, тинчлик учун, халқлар дўстлиги ва қардошлиги учун фаол курашишмоқда. Сафимиз ана шундай ёниқ истеъдодлар билан кенгайганлиги бизни қувонтиради.

Чорак аср... Гарчи тарих учун жуда қисқа муддат бўлса-да, бу давр ичида икки қитъа адиблари ҳамжиҳатлик билан улуғвор ишларни амалга оширдилар. Бизнинг уюшмамиз озодлик ҳаракатининг зарблари остида мустамлакачилик қалъаси йиқитила бошланган пайтларда, тинчликни сақлаб қолиш учун кураш кескинлашган даврда, адабиётнинг умумжаҳон тараққиёти ҳамкорликни тақозо эта бошлаган паллада туғилди ва мана шу ишларга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. Икки қитъадаги минг-минглаб адибларни, адабиётлар — халқлар тақдири билан чамбарчас боғлиқдир, деган ишонч бирлаштирди. Ана шу ишонч бизнинг ижодий парвозларимизга ҳамиша қанот бўлди. Икки қитъа адиблари инсоннинг олий фазилатларини, озодликни, барча халқларимизнинг бахтли келажагини бор овоз билан, эҳтирос билан самимий куйламоқда.

Орадан чорак аср ўтгач, биз комил ишонч билан айта оламизки, Тошкент конференциясининг чақирилиши жаҳон халқлари диққатини ўзига жалб этган бўлса, ўтган вақт ичида уюшма амалга оширган кўламли ишлар унинг обрўйини мустаҳкамлади. Бугунги кунда дунёдаги барча халқлар икки қитъа адиблари уюшмаси фаолиятига зўр хайрихоҳлик билдиришмоқда. Мен бунда яна бир нарсани назарда тутаман, яъни оғир аҳволдаги мамлакатлар, ҳамон жабр-зулм кўраётган халқлар ёзувчининг маънавий мададига ва уюшмамизнинг қўллаб-қувватлашига маҳталдирлар. Ўтган йигирма беш йил миллий маданиятларнинг камолоти даври бўлганлиги ҳам сир эмас. Ана шу тараққиёт уюшма фаолияти воситасида уйғунлашди ва икки қитъа халқлари маданиятининг муштараклигини ва умумий миқёсдаги камолотини таъминлади. Биринчи конференция ўтган 1958 йилда атиги 17 ёшда бўлган фаластинлик истеъдодли шоир Маҳмуд Дарвишнинг шеърлари кириб бормаган хонадон дунёда кам топилса керак. У уюшмамизнинг фаол намояндаси, тинчликнинг оташин курашчиси, эркнинг ёниқ қалб куйчиси. Мана шулар ҳаммаси уйғунлашган тарзда шоир шеърларида ўз ифодасини топади. Табиийки, бу фазилатларга эга бўлган курашчан, жанговар шеърият асримиз шеърхонининг юрагидан жой олади. У «Нилуфар» мукофотининг лауреати. Бу йил эса шоир серқирра фаолияти туфайли «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотига сазовар бўлди. Унинг халқаро миқёсда бундай эътибор топишида ва довруғ қозонишида севимли уюшмасининг аҳамияти беқиёс албатта.

БИЗНИНГ ТОШКЕНТДАГИ УЧРАШУВИМИЗ маданий ҳаётимиздаги йирик воқеадир. Шубҳа йўқки, бу анжуман тинчлик учун кураш ва тараққиёт борасидаги фаолиятимизда янги босқич бўлиб қолади.

Куни кеча анжуман минбаридан дунё халқларининг турли тилларида турли адибларнинг ҳаяжон йўғрилган оташин сўзлари янгради, барчанинг бирдек юрагига яқин бу сўзлар тинчлик ҳақида, бирдамлик ҳақида ва халқлар дўстлиги ҳақида эди. Бизнинг ҳаракатимиз янги босқичларга кўтарилди. Ўтган вақт ичида икки қитъанинг ёзувчилари неча бор учрашиб, фикрлашишди, ижодий мулоқотларда бўлишди. Бирон бир адабиёт биқиқ, чегараланган шароитда камол топа олмаслиги, бошқа адабиётлардан ажралган ҳолда ривожланиши маҳоллиги кундек равшан бўлган давримизда уюшмамиз фаолияти адабиётларимизнинг катта муваффақиятларини таъминламоқда. Ёзувчиларнинг бир-бирига яқин алоқада бўлиши, энг яхши баркамол асарларнинг бошқа халқлар тилларига тез орада таржима қилиниши халқлар маънавиятини бойитаётганлиги сир эмас. Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатлар тилида икки қитъанинг забардаст адиблари ва шоирлари асарлари миллиондан ошиқ нусхада чоп этилганлиги ана шунинг самарасидир.

Қора кучларнинг сиртдан қилаётган иғволари бизни ҳеч қачон чўчита олмайди. Чунки уюшма фаолияти эзгуликка қаратилгандир. Бугун биз икки қитъа ёзувчилари босиб ўтган йўлимизга фахр-ифтихор билан назар ташлар эканмиз, зиммамизда турган келажак олдидаги бурчимизни ҳам бир дақиқа бўлсин унутмаймиз. Инсониятнинг интилишлари ва орзу-умидларини юзага чиқариш йўлидаги кураш аср ёзувчиси учун фазилатгина эмас, бурч ҳамдир. Биз бутун кучимизни халқларимизнинг бирдамлиги ва ҳамдўстлиги учун сафарбар этаверамиз.

Ёрқин келажакка эришиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун курашиш лозим. Ана шу курашда эса «Тошкент руҳи» бизга қанот бўлади.

## ИНСОНИЯТНИНГ ОЛИЖАНОБ ИДЕАЛЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАЙЛИК

(Боши биринчи бетда).

Мажлисда машҳур мисрлик шоир, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотининг лауреати, «Нилуфар» мукофотлари жюрисининг раиси Абдураҳмон ал-Ҳамисий Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмасининг миллий озодлик ҳаракатига, империализм ва реакцияни тугатиш учун курашаётган барча кучларни жипслаштириш ишига салмоқли ҳисса қўшаётганлигини айтди. Тараққийпарвар ёзувчилар, деди у, истибдодга қарши, эксплуатацияга қарши курашаётган кишилар тарафидадирлар, «Ядро урушига йўл йўқ!» деб айтаётган кишилар тарафидадирлар. Адиблар зиммасига жуда катта масъулият юклатилган, зеро, ҳозир инсониятнинг ҳалокатга учраши хавфи ҳар қачонгидан ҳам реалдир. Шу боисдан ҳам улуғ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан СССР ҳукуматининг тинчликсевар ташқи сиёсий йўли ер юзидаги барча соғлом фикрли кишилар қалбида қизғин акс-садо бермоқда. Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг ялпи куч-ғайратлар билан тинчликни ҳимоя қилиб қолиш мумкин, деган сўзлари бизнинг муддаоларимизга бус-бутун мос бўлиб тушади, деб таъкидлади нотиқ.

Африка — Осиё ёзувчилар ҳаракатининг ветерани, ҳинд адиби Бхишам Саҳни бундай деди: бу галги анжуман икки қитъадаги миллион-миллион кишиларнинг бахтли келажакка порлоқ ишончини ифодалайди. Зотан башариятнинг энг инсонпарвар муддаоларига хизмат қиладиган ёзувчилик қаламидек қудратли қуролнинг аҳамияти беқиёс улуғдир.

Эфиопия ёзувчилар союзининг бош секретари Ассефа Гебре Мариам Африка қитъаси ёзувчилари номидан дўст ва тинчликсевар совет халқига, КПСС ва Совет ҳукуматига қизғин табриклар, энг яхши тилаклар изҳор этди. Ҳақли равишда дўстлик ва тинчлик шаҳри, деб аталувчи Тошкент икки қитъа ёзувчиларига бир-бирлари билан яхшироқ танишиб олиш учун ажойиб имконият берди, ўз ижодиётини халқлар мустақиллиги ва равнақи йўлида, озодлик ва ҳақиқий демократия йўлида курашиш ўзанига солиб юборишга ёрдам берди, деб таъкидлади у.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофотининг лауреати қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов ёзувчининг жамият олдидаги масъулияти ҳақида, унинг озодлик учун, янги уруш хавфига қарши халқлар олиб бораётган одилона курашдаги ўрни тўғрисида гапирди. Ядро уруши ёки оддий урушнинг ўзигина эмас, ҳатто ҳарбий тайёргарликлар, қуролланиш пойгаси ҳам аввало ривожланаётган мамлакатларнинг тинка мадорини қуритади, уларнинг муаммоларини баттар мушкуллаштиради, деб уқтирди у. Бас, шундай экан, ўз асарлари билан ҳар қандай кўринишдаги империячилик психологиясининг ўзига қарши, унинг хаёсизлигига ва тажовузкорлигига қарши курашиш, тинчлик, тараққиёт ва социал адолат учун эътиқодли курашчиларни тарбиялаб вояга етказиш — адибнинг бурчидир. Бундай қилиш ҳар бир гражданнинг, ўз замонаси фарзанди бўлган инсоннинг бурчи ҳамдир, деб таъкидлади у.

Ҳозирги замон ёзувчиси халқ бахт-саодати ва озодлиги учун жон берган кишилар қонининг ёқут томчиларини мадҳ этади, замонамизнинг чин қаҳрамонларини шарафлайди, зулмдан халос бўлиб, порлоқ истиқбол учун кураш йўлига ўтган миллион-миллион кишиларга жарангдор шеър билан ва оташин проза тили билан мурожаат этади, деди афғон шоири, Афғонистон Демократик Республикаси Ёзувчилар союзининг раиси, АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Ғулом Дастагир Панжшири. Реакцион империалист доиралар революцион Афғонистонга қарши разилона уруш бошладилар, деб уқтирди у. Мамлакатимизнинг сўз санъаткорлари, жамики ижодкор зиёлилари янги турмуш қуриш йўлидан комил ишонч билан олға бораётган ва Совет Иттифоқининг беминнат мададига таянаётган халқнинг одилона ишини бажонидил ҳимоя қилаётган кишилар сафида турибдилар.

Тарих жараёнини тўхтатиб қўйишга ва халқларнинг онгини заҳарлашга уринаётган жаҳон реакциясининг, агрессив милитарист кучларнинг кирдикорларига қарама-қарши ўлароқ Осиё ва Африка ёзувчиларининг ҳозирги ва келажак авлодлар ҳаёти учун тинчликка, озодликка, инсоний обидаларни сақлаб қолишга даъват этаётган овози бутун дунёда янграб турибди. Тошкент руҳи яшамоқда ва тантана қилмоқда, деб таъкидлади мажлисда Осиё ва Африка ёзувчилари билан алоқа қилувчи Совет комитетининг раиси, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. О. Азимов.

Тараққийпарвар жаҳон адабиётининг сўнгги ютуқлари билан ўзаро танишишда таржима иши жуда катта роль ўйнаши лозим, деди халқаро таржимонлар федерациясининг президенти А. Лилова (БХР) конференция делегатларини табриклаб. Шу муносабат билан у Африка — Осиё адабий ҳаракати, унинг босма органи — «Нилуфар» журнали доирасидаги ёзувчиларнинг фаолиятига юқори баҳо берди.

Конференцияда сўзга чиққан Малагасия революцион ёзувчилари ва маданият арбоблари союзи (ФИМАМИРЕ)нинг раиси шоира Кларисс Рацифандриаманана, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги Совет комитетининг раиси М. Иброҳимов, Фаластин ёзувчилари ва журналистлари умумий союзининг бош секретари Яҳё Яхлюф, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари А. Софронов ва бошқалар йигирма беш йил мобайнида икки қитъа илғор ёзувчиларининг ҳаракати салмоқ ва куч касб этганлиги, ўз обрў-эътиборини мустаҳкамлаганлиги ҳақида гапирдилар. Осиё ва Африка адибларининг ижодиёти социал ўткирлиги билан, чинакам сиёсий актуаллиги билан ажралиб турибди, уларнинг асарлари ижтимоий турмушдаги, юз миллионлаб оддий кишиларнинг ақли ва қалбидаги силжишларни акс эттиради. Бу галги анжуман эса унинг барча қатнашчилари меҳнатига илҳом бериши шубҳасиз, деб таъкидлашди нотиқлар.

Атоқли сўз санъаткори Михаил Шолоховдан Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмасининг VII конференцияси қатнашчиларига олинган табрикнома ўқиб эшиттирилди.

Икки қитъа адибларининг анжумани давом этмоқда.

(ЎзТАГ).

БИЗНИНГ СУҲБАТ

## ИЛҲОМБАХШ ИМКОНИЯТ

**Атуквей ОКАЙ,**
**Гана Ёзувчилар уюшмасининг президенти, халқаро «Нилуфар» мукофоти лауреати**

— Анжуманимиз ниҳоятда сермазмун ўтмоқда. Мен совет мамлакатида таълим олганман, Москвадаги Максим Горький номли жаҳон адабиёти институтида ўқиб юрган кезларимдаёқ, бу бепоён мамлакат дўстпарвар, тинчликсевар эканлигига амин бўлганман. Икки қитъа адиблари анжумани кунларида ана шу фазилат бўртиб кўзга ташланиб турганлиги ва бизнинг ижодий ишларимизга руҳий мадад бераётганлиги барчамизни қувонтиради. Мен ўзим Легон университетида совет адабиётидан дарс бераман. Юртдошларим совет адабиёти билан яхши таниш. Улар Толстой, Шолохов, Айтматов каби адибларнинг асарларини севиб ўқишади. Гўзал ва навқирон Тошкентдаги анжуманимиз туфайли Алекс Ла Гума, Сарвар Азимов, Абдураҳмон ал-Ҳамисий каби ижодига қизиқишим катта бўлган адиблар билан яқиндан танишдим. Улар билан ижодий мулоқотда бўлгач, бошим осмонга етди.

Тинчлик ва адолат тантанаси йўлида барча тараққийпарвар инсоният қатори биз — адиблар ҳам фаол курашаверамиз.

## *ТУРКИЯ ШЕЪРИЯТИДАН*

Фозил Ҳусни ДОҒЛАРЖА

### БУТУН ДУНЁ БОЛАЛАРИГА

Қўлни қўлга бериб бир ҳалқа ясанг!
Умид — у қўшиқдан нурли бир ҳалқа.
— Ҳеч кимни, ҳеч кимни олманг,
Ўртангизга мендан бошқа.

Эртаклардай ястанса атрофимиз,
Шаҳзодангиз бўлсам, фақат мен ўзим.
Уқишни, ишни тарк айлар эдик, биз,
Оналаримиз бермаса ҳам изин.

Юзингизни майин-майин силасам,
Жилмайиб эркаланг сизлар ҳам мени.
Жуда ҳам гўзал саодатла кўрсак,
Байрамдагидай қувнасак, қани!

Насиб, дегин, фақат осмонни ахир,
Бошимиз узра хўп айтган аллалар

Манов, тоғлар бунчалар хотиржамдир,
Бизга девдай ўйинчоқ бўлиб туюлар.

Қулайлик майда шохлар рўёсиндан,
Қушлар мўъжизадай кўринсин бизга.
Ва олтин қоронғилик соясида,
Телбадай ошиқ бўлсак ўзимизга.

Қани, биз сари учган қушларимиз,
Ким билар ҳозир у қайларда қолди.
Ўйинчоқлар, гуллар ва тушларимиз,
Тақдир-ла бизларни бағрига олди.

Қўлни қўлга бериб бир ҳалқа ясанг,
Умиду қўшиқдан нурли бир ҳалқа.
Ҳеч кимни, ҳеч кимни олманг, —
Ўртангизга мендан бошқа.

Метин ЭЛЎҒЛИ

### УЙҒОН

Уйғон!
Қуёш шуъласини сочди,
Денгизлар яшнади, қушлар сайради,
Мовийликдан олам яйради;
Уйғон!

Бу қўшиқни тингламайсанми!!
Ерўғликка чиқ-да, кўзингни яшнат,
Баҳор ҳавосидан дилингни яйрат.
Йўқсул бўлсанг ҳам уйғон!
Ғариб бўлсанг ҳам уйғон!

Гўзалсан, гўзаллик яшамоғи учун,
Саҳийсан, саҳийлик яшамоғи учун,
Умидинг бор, умидинг яшамоғи учун —
Уйғон!

Денгизни тингла, яшагин, дер,
Заминни тингла, озод бўл, дер,
Осмонни тингла, севгин, дер.
Яшаш учун, озодлик учун, севмоқ учун
Уйғон!
Уйғон!

Уйғонсангчи!!
Севганим бўлсанг ҳам,
Ким бўлсанг ҳам,
Нима бўлсанг ҳам

Уйғон:
Яшаш учун, озодлик учун, севишмоқ учун.

Тилак ЖЎРА таржималари.

# 1983 ЙИЛ ҲОСИЛ МАВСУМИ: ТЕРИМ СУРЪАТИНИ ОШИРАЙЛИК!

*ТАЖРИБАКОРЛАР МИНБАРИ*

## ҲАММАНИНГ ЎРНИ ДАЛАДА

Бугун ҳамманинг ўрни пахта чаман-чаман очилган далаларда бўлмоғи керак. Сабаби, давлатимизнинг катта моддий-техника ёрдами, халқимизнинг бунёдкорлик меҳнати билан етиштирилган мўл-кўл «оқ олтин»ни тезроқ териб олишимиз лозим. Ҳосил шу қадар мўл бўлдики, уни ҳамма баравар ҳаракат қилгандагина тезроқ саранжомлаб олиш мумкин.

Об-ҳаво бюросининг маълумотига қараганда қора совуқ барвақтроқ тушиб, ёғингарчиликлар эртароқ бошланади. Демак, биз, пахтакорлар терим суръатини дақиқалар сайин кўтармоғимиз, ҳосилни сира нобуд қилмасдан тез ва тоза териб олмоғимиз зарур.

Колхозимиз аъзолари 804 гектар майдонда «оқ олтин»дан рекорд ҳосил етиштирдилар. Гектаридан камида 50 центнердан хирмон кўтарамиз. Тайёрлов пунктига 4020 тонна дурдона топширамиз. С. Дербисамеев, Т. Ўтамбетовлар бошлиқ бригадалар ҳосилдорликни 55 центнерга етказиш мажбуриятини олишди.

Пахта терими оммавий равишда бошланди. Шу кунларда 485 нафар колхозчи этак боғлаб пахта теряпти. Хўш, теримнинг дастлабки якуни қандай бўляпти? Колхозимиз бўйича ҳар бир теримчи ҳисобига ўртача 65-70 килограммдан пахта тўғри келяпти. Илғор теримчиларимиздан Б. Ерназарова, Г. Қаллимуротова, Қ. Ғойипова, С. Бекмуротова, П. Болтабоевалар кунига 130-150 килограммдан пахта теришяпти.

Бироқ, ҳозирча ишга яроқли кишиларнинг ҳаммасини теримга тўла сафарбар эта олганимиз йўқ. Дала меҳнатчилари сонини камида 1250 кишига етказишимиз керак. Айрим теримчилар атиги бир нормадан бажаришяпти. Теримда бир ярим-икки норма бажарилишини таъминламоғимиз, бунинг учун меҳнат аҳлига етарли маданий-маиший шароитлар яратиб бермоғимиз даркор. Ишга кеч чиқаётганлар, эрта қайтаётганлар, интизомни бузаётганлар, хом пахтани тераётганлар ҳам йўқ эмас. Бундай кўринишларга қарши курашяпмиз. Илғор теримчиларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш билан уларнинг тажрибасини ҳамманинг мулкига айлантириш тадбирларини амалга оширяпмиз.

Пахтанинг сортини кўтариш диққат марказимизда бўлаётир. Ҳар куни кечқурун, яъни ишдан кейин теримчилар, тарозибонлар, хирмонда ишловчилар, тележкачилар билан қисқа суҳбатлар ўтказилиб, бир кунлик ишга якун ясалади. Кўп ва тоза пахта терган теримчилар намуна қилиб кўрсатилади. Орқада қолаётганлар, пахтани чаноқларда қолдираётганлар, ифлослантираётганлар, хом пахта тераётганлар танқид қилинади.

Терим кампаниясида дақиқалар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бугун кўп ва тоза пахта терганлар ғанимат фурсатдан оқилона фойдаланиб, эртага суръатни янада оширишлари, орқада қолаётганлар уларга тенглашишлари керак. Шундай қилингандагина ялпи юксалишга эришилади. Ҳар бир бригада ва звенога ички имкониятларини ҳисобга олиб, графиклар белгиланган, уни ортиғи билан бажариш талаб этилади.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бош вазифамиздир. Бир теримчининг сабабсиз теримга чиқмаслиги ёки кеч чиқиши ўртача 70-80 килограмм пахта кам терилади, демакдир. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Ўша теримчи нима сабабдан ишга чиқмагани ёки кеч чиққанининг сабабини аниқлаб, кўпчилик олдида унга қаттиқ танбеҳ бермоғимиз зарур. Терим фаслида бирор кишига имтиёз берилмаслиги, аксинча, қаттиқ талабчанлик қилиниши даркор.

Кун тартибида «зангори кема»ларни тезроқ ишга солиш ва юқори унум билан ишлатиш масаласи турибди. Дефолиацияни сифатли ўтказдик. Барглар тўкила бошлади. Лекин ҳаммаси эмас. Об-ҳаво иссиқ келиши туфайли баргларнинг бир қисми тўкилмаяпти. Мутахассислар билан маслаҳатлашиб, зарур топилган карталарда зудлик билан такрорий дефолиация ўтказиш режаларини белгиладик. Ҳар қандай шароитда ҳам машина терими планини бажариб, ялпи ҳосилнинг камида 70-75 процентини бункерлардан тўкилишини таъминлаймиз. Мавжуд терим машиналари, кўсак узиш-чувиш ва тўкилган пахтани терадиган механизм-агрегатларни мавсумга шайлаб қўйганимизга анча бўлди. Механизаторларимиздан А. Маткаримова, П. Маткаримова, Т. Бекжонов, Ж. Чихназаров, Ж. Тожибоевларнинг ҳар бири 240-250 тоннадан пахта териш мажбуриятини олдилар. Улар ўз сўзларининг устидан чиқишларига ишонамиз.

Бу йилги мавсумда дала — бункер — тележка — пункт методига амал қилиб, пахтанинг хирмон жойларда тўпланиб қолишига асло йўл қўймаймиз. Бу хусусда механик-ҳайдовчилар, тележкачилар, юк машиналарининг шофёрлари билан маслаҳатлашиб олдик. Мақсадимиз битта — у ҳам бўлса йиллик пахта тайёрлаш планини фақат юқори сорт «оқ олтин» ҳисобига бажаришдир.

Қабул пунктлари ва пахта тозалаш заводлари раҳбарларидан илтимосимиз шуки, улар хўжаликлардан жўнатилган «оқ олтин»нинг вақтида қабул қилинишини таъминласинлар. Транспорт воситаларининг дарвозалар ёнида навбат кутиб туриб қолишига йўл қўймасинлар!

**Ж. АВАЗИМБЕТОВ,**
Хўжайли районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси.







СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ. Ленин йўли районидаги Будённий номли совхозда кўплаб оилавий звенолар тузилган. Ана шулардан бири Бегимқуловлар звеносидир. Йўлдош, Худойберди, Норбобо Бегимқуловлар билан бир қаторда Мамлакат Бегимқулова ҳам пахта ишқи билан меҳнат қиляпти. Айни пайтда Бегимқуловлар сулоласи 600 тонна дурдонани агрегатлар бункеридан тўкишга аҳд қилишган. Суратларда: 1. Мамлакат Бегимқулова (ўнгда) Йўлдош, Худойберди, Норбоболар билан. 2. Машина терими. 3. Ленин йўли пахта заводида «оқ олтин» хирмони юксаляпти..

Е. Ботиров фотолари.

## ЯНГИ ҲОСИЛ ЧИГИТИДАН

✦ Қўқондаги мой-ёғ комбинати янги пахта ҳосили чигитини қайта ишлай бошлади. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эрмат Нурчаев сменаси дастлабки ўттиз тонна ёғ ишлаб чиқарди.

Мавсум бошланиши олдидан корхонада катта тайёргарлик ишлари олиб борилди, чигитни тозалаш олдидан унинг ўтишини барқарорлаштирадиган электр система йўлга қўйилди, чигит сақланадиган омборда хом ашё температура режимининг кўрсаткичларини доим кузатиб турадиган қурилмалар ремонтдан чиқарилди.

Комбинат коллективи беш йилликнинг учинчи йилида қирқ минг тоннадан кўпроқ юқори сифатли пахта ёғи ишлаб чиқаришга аҳд қилди.

Айни пайтда республикадаги бошқа баъзи корхоналар ҳам чигитни қайта ишлашга киришдилар. Қашқадарё, Сурхондарё областларидаги пахта заводларидан олинган дастлабки хом ашёнинг лаборатория анализи чигитнинг юқори сифатли эканлигини кўрсатди.

(ЎзТАГ).

### АГРЕГАТЛАР ШАРОФАТИ

* Пешку районидаги «Ленинизм» колхози механизаторлари «зангори кема»алар унумдорлигини кун сайин оширмоқдалар. Шоди Қўлдошев, Ҳасан Тошев, Ризо Қулиев, Ражаб Рўзиев каби азамат механизаторлар мусобақада пешқадамлик қилиб, ўз агрегатлари бункеридан кунига 10 тоннадан пахта тўкмоқдалар.

*Мажбуриятларнинг бажарилишини текширамиз*

## ИЛҒОРЛАР ВА ҚОЛОҚЛАР

Термиз райони билан Жарқўрғон райони мусобақадош.

Термизлик миришкор деҳқонлар ипак пахтадан рекорд ҳосил етиштирдилар ва йиғим-теримни зарбдорларча бошлаб юбордилар. Шу кунга қадар йиллик планнинг 30 процентига яқин ингичка толали пахта тайёрланди. Ҳосилдорлик ҳам, сорт ҳам юқори бўляпти. Суръат кун сайин кўтариляпти. Бунга сабаб шуки, район партия ва совет ташкилотлари борлиқ куч ва техника воситаларини теримга тўла сафарбар этаётир.

«Намуна», Жданов номли, «Октябрь 40 йиллиги» колхозларининг ипак пахта ижодкорлари кунлик ўсишда олдинда бормоқдалар. Барча хўжаликларда бригада пудрати, меҳнатга нарядсиз ҳақ тўлаш усули кенг қўлланилиши туфайли дала меҳнатчилари, механизатор-транспортчилар, пахта қабул қилувчилар орасида интизом мустаҳкамланди. Барча кишилар ҳосил жонкуярлари бўлиб қолдилар. Шу кунларда теримда 10 мингдан кўпроқ меҳнат аҳли қатнашиб, кунлик графиклар муваффақиятли бажарилмоқда.

Бироқ, районда машина теримига ҳамон киришилган эмас. Бунга сабаб шуки, ғўзаларнинг барги вақтида тўктирилмади. Барги тўла тўкилган ҳозирги шароитда эса машиналар ҳамон пайкалларга киритилмаяпти. «Пахта ҳали тўла пишгани йўқ» деган асоссиз баҳона рўкач қилиняпти. Район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари машина теримини оммавий равишда бошлаш, терим суръатини кескин кўтариш чораларини кўрмоқлари зарур. Ҳозирги ғанимат кунларнинг ҳар дақиқаси олтиндан қиммат эканини унутмаслик, режани шунга қараб олиш керак.

Жарқўрғон райони кунлик пахта тайёрлашда ҳам, мавсум бошидан буён тайёрланган пахтада ҳам мусобақадоши Термиз районидан орқада қоляпти. Жарқўрғонда ҳали йиллик планнинг 2 процентига тенг пахта тайёрлашга эришилгани йўқ. Далаларда пахта камми? Кўсаклар очилмаяптими? Барг тўкилмаяптими? Ундай дейишга ҳеч ҳам асос йўқ. Ахир, «Партия XXII съезди», Норали Боймуродов номли, «Социализм» колхозлари ва «Сурхон» совхозида кунлик графиклар ортиғи билан бажариляпти-ку! Нега бир хил шароит ва имкониятга эга бўлган «Шарқ юлдузи», «Жарқўрғон» совхозлари, «Коммунизм» колхозида суръат кўтарилмайди? Бу хўжаликларнинг раҳбарлари яна қандай об-ҳавони кутяптилар? Нима сабабдан районнинг илғорлар сафидан ўрин олишига тўсқинлик қиляптилар?

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, район бўйича пахта йиғим-теримига 15 минг кишини сафарбар этиш кўзда тутилган. Ғанимат фурсат ўтиб бораётганига қарамай ҳамон 3 минг киши теримда қатнашмаётир. Бунинг устига меҳнат унумдорлиги паст бўлмоқда. Ҳар бир теримчи ўртача 45 килограммдан пахта теряпти, холос.

Жарқўрғон республикамизнинг пешқадам районларидан бири бўлиб келган. Бу йил ҳам шундай бўлишига кенг жамоатчилик ишонади. Ана шу ишончни оқлаш учун пахта теримида умумий сафарбарлик эълон қилиш, суръатни кескин кўтариш, йўл қўйилган сусткашликка барҳам бериб, илғорлар қаторидан ўрин олиш учун курашмоқ керак.

## Хушхабарлар

### КУНИГА 200—220 КИЛОГРАММДАН

* Пастдарғом районидаги «Ўзбекистон» колхозидан пешқадам теримчи М. Мардиева аъло меҳнат қилаётир. У кунига хирмонга 200—220 килограммдан пахта топширмоқда, мавсум бошидан буён терган пахтаси 3400 килограммга етди.

### ОИЛАВИЙ ЭКИПАЖ АҲДИ

* Гагарин районидаги «Навбаҳор» совхозидан ака-ука Абдимўмин, Абдумурод, Панжи, Мамат, Абдураим Сафаровлар теримнинг биринчи куни 20 тонна пахтани бункердан бўшатишди. Беш оғайни ботирлар мавсум охиригача 1500 тонналик хирмон яратишмоқчи.

### СУРЪАТГА ҚАНОТ БОҒЛАБ

* Бухоро областида пахта топшириш суръати кун сайин ошиб боряпти. Айниқса, Ғиждувон районидаги «Пахтаобод», Шофиркон районидаги «Шофиркон», Қоракўл районидаги «Октябрь» ва Олот районидаги «Оқ олтин» колхозларида кунига йиллик планнинг 3,5—4 проценти миқдорида пахта топшириляпти.

## ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ
## ХАБАРЛАР ОҚИМИ

### ГРЕЦИЯ ҲУКУМАТИ ВАКИЛИНИНГ БАЁНОТИ

✦ АФИНА. Греция ҳукумати Қўшма Штатлар вакилларининг халқаро проблемалар хусусида Грецияга ўз қарашларини тиқиштиришга уринишларини қатъиян рад қилади. Греция ҳукуматининг расмий вакили Димитриос Марудас бу ерда шу ҳақда гапирди. У Американинг бир группа конгресс аъзолари Бош министр А. Папандреуга мактуб юбориб, Греция ашаддий антисовет кампаниясига қўшилишдан бош тортганлигидан норози эканликларини билдирдилар. СССРнинг осмон чегарасини қўпол равишда бузган Жанубий Корея авиалайнери билан бўлиб ўтган «можаро» сабабли бу мактуб ёзилди.

### АМЕРИКА — ХИТОЙ МУЗОКАРАЛАРИ

✦ ПЕКИН. Пекинга келган АҚШ мудофаа министри Уайнбергер билан ХХР мудофаа министри Чжан Айпин ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Синьхуа агентлиги «томонлар ҳар икки томонни қизиқтирувчи масалалар хусусида дўстона ва самимий вазиятда фикрлашиб олдилар», деб хабар беради.

Американинг Эн-Би-Си телекомпанияси хабар беради: «АҚШ маъмуриятининг фикрича, Хитой қуролли кучларининг модернизация қилиниши ва мамлакат экономикасини мустаҳкамлаш Американинг манфаатларига мос бўлиб тушади, деб айтди Уайнбергер. Визит муҳити Америка билан Хитой ўртасида ҳарбий алоқалар шунчаки, Американинг технологиясини сотиб олишдан кўра кўпроқ даражада ривожланиши мумкинлигидан далолат бериб турибди».

### КЕСКИН ТАНҚИД

✦ ЛОНДОН. Буюк Британия лейбористлар партиясидан парламентга депутат М. Мичер М. Тэтчер бошлиқ консерваторлар ҳукуматининг ядровий қуролланиш пойгасини кучайтириш йўлини кескин танқид қилди. У Ньюкасл шаҳрида бўлиб ўтган митингда сўзга чиқиб, консерваторлар ҳукуматининг ҳарбий соҳадаги сиёсатини ғоят хатарли деб таърифлади. Консерваторлар ҳукумати амалга ошираётган тадбирлар, деб таъкидлади у, кескинликни кучайтириб, «ядровий қуролланишни кўпайтиради» ва оқибат натижада ядро уруши чиқишига олиб келиши мумкин.

### ЖИДДИЙ ТАШВИШЛАНИШ

✦ ЛИССАБОН. Португалия демократик ҳаракат партиясининг бу ерда эълон қилинган баёнотида қуролланиш пойгаси кучайганлиги муносабати билан жиддий ташвиш изҳор этилган. Ҳужжатда Женевадаги музокаралар учун амалий негиз бўлган СССРнинг тинчлик таклифларига юксак баҳо берилади.

### ОППОЗИЦИЯ ФИКРИ

✦ ГАВАНА. Ямайка ўз тарихида мисли кўрилмаган иқтисодий тангликни бошидан кечирмоқда. Бу ҳол мамлакатни инқироз чегарасига олиб келди, деди Ямайкада оппозициядаги халқ миллий партиясининг бошлиғи Майкл Мэнли. У партиянинг ҳар йиллик конференцияси тамомлангандан сўнг Кингстон шаҳридаги оммавий митингда сўзга чиқди. Митинг иштирокчилари Кариб ҳавзасидаги орол давлатида вужудга келган вазиятни анализ қилдилар.

(ТАСС, 27 сентябрь).

### ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ХАНОЙ. ВСР ижтимоий ҳаётидаги муҳим воқеага — Вьетнам касаба союзларининг шу йил ўтказиладиган V съездига тайёргарлик сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган бир вазиятда ўтмоқда. Вилоят ва тармоқ касаба союзларининг конференциялари шу тайёргарликнинг асосий босқичи бўлди. Матбуот хабарларига қараганда, бундай конференциялар мамлакатнинг 35 та шаҳрида ва вилоятида, 18 та тармоқ касаба союзларда ўтказилди.

● КОБУЛ. АДР вилоятларида маҳаллий аҳолидан тузилган революцияни ҳимоя қилиш отрядлари четдан Афғонистонга юборилаётган шайкаларга тобора қақшатқич зарба бермоқдалар. Бу ерда олинаётган хабарларга қараганда, революцияни ҳимоя қилиш отрядлари халқ милицияси ва хавфсизлик кучлари бўлинмаларининг мадади билан Бадахшон вилоятидаги Зибак уездида аксилинқилобчиларнинг катта группасини яксон қилдилар. 73 газанда асир қилиб олинди.

● БРАЗИЛИЯ. Парагвайдан олинган хабарларга кўра, либерал партиянинг Асунсьонда бўлиб ўтган фавқулодда съездида Хоакин Бургос яна унинг раиси қилиб сайланган. Съезд делегатлари партия аъзоларининг сиёсий жиҳатдан таъқиб этилишини қораладилар, «Парагвайда зўравонликка, адолатсизликка ва бошқа иллатларга қарши курашда барча либералларнинг бирлиги»ни ёқлаб чиқдилар. (ТАСС).

## Капитализм иллатлари

### ЎТКИР СОЦИАЛ ПРОБЛЕМА

Ҳозирги пайтда Туркия гражданларидан 10 миллиондан кўпроқ киши ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмайди. Туркия миллий маориф министрлигининг «Жумҳурият» газетасида эълон қилинган докладида шу ҳақда батафсил гап юритилади. Ана шу ўткир социал проблемани тезроқ ҳал қилиш мақсадида мамлакатда бундан икки йил муқаддам бошланган саводсизликни тугатиш кампанияси 1995 йилгача узайтирилди. Мамлакат жамоатчилиги бу муддат ҳам юқоридаги мушкул аҳволни бартараф этиш учун кифоя қилмаса керак, деган хулоса чиқармоқда.

### ЧУҚУР ТАНГЛИК

Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлган давлатларда кўмир саноати чуқур тангликни бошидан кечирмоқда. Европа ҳамжамиятлари комиссияси эълон қилган маълумотларга кўра, шу йил ҳамжамиятга аъзо бўлган мамлакатларда кўмир қазиб чиқариш 233 миллион тоннага етган. Бу эса 1982 йилдагига қараганда 8 миллион тонна кам.

«Умумий бозор» мамлакатларида ёқилғининг ана шу турини қазиб чиқариш тобора қисқараётганлиги сабабли меҳнаткашлар кўплаб ишдан бўшатилмоқда. Европа ҳамжамиятлари комиссиясининг маълумотларига кўра, ўтган йилнинг бошидан буён Англиянинг ўзидагина шахтёрлардан 10 минг киши, Германия Федератив Республикасида эса 5 минг киши ишдан бўшатилди.

### ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚИСҚАРМОҚДА

Саноат машина-ускуналари ишлаб чиқараётган Япония компанияларининг буюртмалари шу йилнинг ўтган ойида 16 процент қисқарди, деб хабар беради мамлакат экономикасини планлаштириш бошқармаси.

Маҳаллий матбуот ана шу хабарни шарҳлаб, саноат корхоналари ишининг ушбу асосий кўрсаткичи пасайиб кетганлиги Япония экономикасида танг ҳолатларнинг янада кучайганлигидан далолат беради, деб уқтиради.

*Газетхон саволларига жавоб*

## ИРҚЧИЛИК ВА ЗУЛМ МАСКАНИ

**Сурхондарёлик ўқитувчи Ф. Шерназаров редакцияга юборган мактубида Жанубий Африка республикаси, ундаги халқлар ҳаёти ҳақида, давлат раҳбарларининг юргизаётган сиёсати тўғрисида маълумот беришимизни сўрабди.**

Жанубий Африка Республикаси узоқ йиллардан бери Африка қитъасида ирқчилик ва реакциянинг, зулм ва истибдоднинг асосий ўчоғи бўлиб турибди. Халқларнинг миллий, сиёсий ва иқтисодий мустақиллигининг азалий душмани бўлган халқаро империализм аввал ҳам, ҳозир ҳам Преториядаги ирқчилар режимидан мустамлакачилик ва янги мустамлакачилик сиёсатларини амалга оширишда фойдаланиб келмоқда.

Жанубий Африка Республикаси (майдони 1221 минг кв. км, аҳолиси 30,4 миллион киши, уларнинг 22,6 миллиони маҳаллий африкаликлардир. Пойтахти — Претория шаҳри) ирқчиларнинг реакцион, маҳаллий аҳолини тинмай террор қилаётган режими ўрнатилган давлатдир.

Тахминан 40 йилдан бери апартхейд («бўлиниб ривожланиш») давлатнинг расмий сиёсати ҳисобланади. Бу оқ танли озчиликнинг кўп сонли қора танлилар устидан қонли ҳукмронлигини ўрнатиш сиёсати, бу очиқчасига маҳаллий африкаликларни эзиш ва таҳқирлаш, уларни қувғин остига олиш ва умуман қириб юбориш сиёсатидир. Ана шу сиёсатга биноан африкаликлар сувсиз ва ҳосил бермайдиган қурғоқчил ерларга мажбуран кўчириб юборилмоқда, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган ушбу ерларда эса улар аста-секин йўқ бўлиб кетишга маҳкум этилган. Претория ирқчилари ана шу қора ниятларини амалга ошириш учун ҳар қандай хатти-ҳаракатлар қилишдан тап тортмаяптилар. Ана шу шароитда оқ танли ҳукмдорлар ўзлари учун мамлакатнинг 87 процентини ташкил қилган сувга сероб ва ҳосилдор қисмини эгаллаб турибдилар.

ЖАРда қарор топган сиёсий тузум маҳаллий африкаликлар манфаатларига тамомила зиддир. Жумладан, парламентга фақат оқ танли гражданларгина сайлаши ва сайланиши мумкин. Мамлакат экономикаси, ташқи савдосига, бой табиий ресурсларига ирқчилар хўжайинлик қилишмоқда. Унинг ҳақиқий эгалари ҳисобланган африкаликлар эса очлик ва қашшоқликда яшашга мажбур бўлмоқдалар.

БМТнинг Преториядаги ирқчилар режимини қораловчи қатор қарорлари бўлишига қарамай, АҚШ ва Ғарб давлатлари у билан энг яқин сиёсий ва иқтисодий алоқа қилиб турибди. Масалан, ЖАР ташқи савдо-сотиғининг асосий қисми Англия, АҚШ, Ғарбий Германия ва Японияга тўғри келади. Рейган маъмурияти ашаддий ирқчиларни ҳамма соҳаларда қўлламоқда.

Расмий Вашингтондаги ҳомийлар ЖАРга ҳатто полиция таёқчаларини ҳам юбормоқдалар. Юқори мартабали АҚШ расмий кишилари Преторияга тез-тез бориб турибдилар. Бунинг эвазига эса ирқчилар африкаликларни эзишда ҳаддиларидан ошмоқдалар, Ангола ва Намибияга қарши навбатдаги жиноятларга қўл урмоқдалар. Преториянинг ҳаво қузғунлари вақти-вақти билан Ангола қишлоқ ва шаҳарларини ўққа тутмоқда. ЖАР ушбу мустақил давлатга қарши бир неча бор агрессия қилди.

Шу кунларда Преториядагилар ядро қуролини қўлга киритиш орзусида юрибдилар. Матбуотнинг хабарларига кўра, Валиндабидаги атом маркази ана шу мақсадни кўзламоқда. Сўзсиз, ирқчиларнинг ушбу қора ниятлари Африка учун ҳам, жаҳондаги тинчлик учун ҳам катта хавф ҳисобланади.

Жаҳон халқлари ЖАРдаги режимнинг реакцион ички ва ташқи сиёсатини кескин қоралаш билан бирга, мамлакат туб аҳолисининг ирқчилик зулмига қарши олиб бораётган мардонавор курашини доимо қўллаб-қувватламоқда. Мамлакат коммунистлари ва прогрессив руҳдаги касаба союзлари раҳбарлигида ўтаётган ушбу халқ ҳаракати тобора кескин тус олмоқда. Ирқчилик ва ирқий камситишга қарши курашга бағишланиб Женевада ўтган 11-Жаҳон конференцияси ҳам шармандали ирқчилик режимини кескин қоралаб чиқди.

Совет Иттифоқи, қардош социалистик мамлакатлар БМТда ҳам, бошқа регионал йиғинларда ҳам Преториядаги халққа қарши режимни доимо фош қилиб чиқмоқдалар.

**Т. СОЛИЕВ,**
«Совет Ўзбекистони»нинг халқаро шарҳловчиси.

